**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИК ВАЗИРЛИГИ**

**АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ**

**ИҚТИСОДИЁТ ВА БОШҚАРУВ ФАКУЛЬТЕТИ**

**ИҚТИСОДИЁТ ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ**

***Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти ва бошқарув*** **кафедраси**

« Т А С Д И Қ Л А Й М А Н »
факультет декани ____________
доцент Х.Х.КОМОЛОВ
«___» __________ 2015 йил

«Химояга рухсат этаман»
кафедра мудири__________
доцент О.Шерматов
«___» __________ 2015 йил

**Иқтисодиёт таълим йўналишининг битирувчиси**
**Мўминов Бекмирзанинг**

# БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**Мавзу: Олтинкўл туманидаги “Порлоқ водий алплари”фермер хўжалигида мехнатни илмий асосда ташкил этишнинг иқтисодий самарадорлиги.**

*БМИ рахбари:* *и.ф.н,доцент Махмудов О*
*Бажарувчи:* *Б Мўминов*

**Андижон - 2015**

**ЎЗБЕКИСТОН КИШЛОК ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ**
**АНДИЖОН КИШЛОК ХЎЖАЛИГИ ИНСТИТУТИ**
**ИҚТИСОДИЁТ ВА БОШКАРУВ ФАКУЛЬТЕТИ**
**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИҚТИСОДИЁТИ ВА БОШҚАРУВ КАФЕДРАСИ**

**“Т А С Д И Қ Л А Й М А Н”**
**Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти ва**
**бошқарув кафедрасининг мудири**
**О.Шерматов ______________**
**«__»___________2014 й.**

**Иқтисодиёт таълим йўналишининг битирувчиси**
**Мўминов Бекмирзага битирув малакавий ишини бажариш учун**

# ТОПШИРИҚ

**1. Битирув малакавий ишининг мавзуси** *институт ректорининг 2014 йил 10-сентябрдаги № 275- Ст буйруғи билан тасдиқланган.*

**2. БМИнинг мавзуси:** *Олтинкўл туманидаги Порлоқ водий алплари фермер хўжалигида мехнатни илмий асосда ташкил этишнинг иқтисодий самарадорлиги.*

**3. Битирув малакавий ишни тугатиш вақти** ***«30 »апрел 2015 йил.***

**4. Битирув малакавий ишнинг асосий бўлимлари.** *БМИ кириш, асосий қисм, хулоса ва таклифлар хамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.*

**5. Битирув малакавий ишни бажариш учун керакли маълумотлар.** *Ўзбекистон Республикасининг қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохатларни ўтказишга оид бўлган қонунлари, Президент фармонлари, Вазирлар Махкамасининг қарорлари, И.Каримовасарлари, мавзуга оид махсус адабиётлар, хамда Олтинкўл туманидаги Порлоқ водий алплари фермер хўжалигининг 2012-2014 йиллар учун бизнес режалари, йиллик хисоботлари ва мавзуга оид бўлган бошқа маълумотлари.*

**6. Битирув малакавий ишда фойдаланиладиган жадваллар.** *Битирув малакавий ишида мавзунинг моҳиятини ёритишга ёрдам берадиган 8-10 та жадвалларни тузилиши кўзда тутилган бўлиб, улардан 3 таси бевосита ҳимоя жараёнида фойдаланилади.*

| Битирув малакавий ишнинг асосий саволлари | БМИни Рахбари | Бажарилиш муддати | Имзо |
|---|---|---|---|
| *Кириш* | ***и.ф.н,доцент*** **Махмудов О.** | ***05.12.2014й*** | |
| ***1боб: Мехнатни илмий асосда ташкил этишнинг назарий услубий асослари .*** | | | |
| *Фермер хўжалигида меҳнатни илмий ташкил этиш ва меъёрлашнинг мохияти илмий назарий асослари.* | ***и.ф.н,доцент*** **Махмудов О.** | ***28.01.2015й*** | |
| *Олтинкўл туманидаги Пароқ водий алиплари фермер ҳўжаликида иш жойларини ташкил этиш ва уларни бахолаш* | ***и.ф.н,доцент Махмудов О.*** | ***05.02.2015й.*** | |
| ***2-боб:Пароқ водий алиплари фермер хўжалигининг уммий таснифи ва иктисодий кўрсаткичлари.*** | | | |
| *Олтинкўл туманидаги Пароқ водий алиплари фермер хўжалигининг табиий-иқтисодий шароитлари.* | ***и.ф.н,доцент*** **Махмудов О.** | ***06.02.2015й*** | |
| *Олтинкўл туманидаги Пароқ водий алиплари фермер хўжалигининг иқтисодий кўрсаткич-лари тахлили.* | ***и.ф.н,доцент*** **Махмудов О.** | ***17.03.2015й*** | |
| ***3-боб: Пароқ водий алиплари фермер ҳўжаликида мехнатни илмий ташкил этишни такомиллаштириш йўллари.*** | | | |
| *Олтинкўл туманидаги Пароқ водий алиплари фермер хўжалигида мехнат жараёнини тартибга солишни такомиллаштириш йўллари .* | ***и.ф.н,доцент*** **Махмудов О..** | ***24.04.2015й.*** | |
| *Хулоса ва таклифлар.* | ***и.ф.н,доцент*** **Махмудов О.** | ***12.05.2015й.*** | |
| *Фойдаланилган адабиётлар.* | ***и.ф.н,доцент.*** **Махмудов О.** | ***15.05.2015й*** | |

## *М у н д а р и ж а*


| № | Мазмуни | Бетлар |
|---|---|---|
| | *Кириш* | *3-9* |
| ***1боб: Мехнатни илмий асосда ташкил этишнинг назарий услубий асослари .*** | | |
| 1 | *Фермер хўжалигида меҳнатни илмий ташкил этиш ва меъёрлашнинг мохияти илмий назарий асослари.* | *9-17* |
| 2 | *Олтинкўл туманидаги Пароқ водий алиплари фермер ҳўжаликида иш жойларини ташкил этиш ва уларни бахолаш* | *17-25* |
| ***2-боб:Пароқ водий алиплари фермер хўжалигининг уммий таснифи ва иктисодий кўрсаткичлари.*** | | |
| 3 | *Олтинкўл туманидаги Пароқ водий алиплари фермер хўжалигининг табиий-иқтисодий шароитлари.* | *26-39* |
| 4 | *Олтинкўл туманидаги Пароқ водий алиплари фермер хўжалигининг иқтисодий кўрсаткичлари тахлили.* | *40-52* |
| ***3-боб: Пароқ водий алиплари фермер ҳўжаликида мехнатни илмий ташкил этишни такомиллаштириш йўллари.*** | | |
| 5 | *Олтинкўл туманидаги Пароқ водий алиплари фермер хўжалигида мехнат жараёнини тартибга солишни такомиллаштириш йўллари .* | *53-61* |
| | *Хулоса ва таклифлар.* | *62-65* |
| | *Фойдаланилган адабиётлар.* | *66-71* |

# КИРИШ

**Мавзунинг долзарблиги**. Бугунги кунда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг асосий шакли сифатида фермерлик ташкил этилгани ва унинг ривожи учун кенг имкониятлар очилгани ҳал қилувчи омил бўлди. Айни пайтда фермерлик ҳаракати қишлоқ хўжалиги соҳасининг етакчи ишлаб чиқариш бўғинига айланмоқда. Қишлоқ хўжалигини ислоҳ этишда, қишлоқларда бозор муносабатларини шакллантириш, фермерлик ҳаракатини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашда, қишлоқ хўжалигида илғор ишлаб чиқариш технологияларини жорий қилиш кўламининг кенгайтирилишида банк тизими томонидан ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.Хусусан, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни техник ва технологик янгилаш, унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, қишлоқ хўжалиги инфратузилмасини тараққий эттириш ва кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш мақсадида тижорат банклари томонидан қатор ишлар амалга оширилмоқда. Натижада фермер хўжаликларининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экишдан тортиб, ҳосилни йиғиб олишларигача бўлган муддат 7-8 ойни ташкил этади. Натижада фермер хўжаликлари томонидан қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш учун сарф қилинган харажатларни етиштирилган ҳосилни сотишдан олинадиган маблағлар ҳисобидан қоплаш муддатида, экинларни экишга тайёрлаш, парвариш қилиш, минерал ўғитлар ва ёқилғи сотиб олиш, йиғим-теримни амалга ошириш харажатларини молиялаштириш учун, табиий равишда, банк кредитларига эҳтиёж юзага келади.Қишлоқ хўжалиги корхоналарига давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган ғалла ва пахта хом ашёси етиштириш харажатларини молиялаштириш мақсадларига жорий йилнинг 1 июль ҳолатига кўра, банкларимиз томонидан 2 трлн. сўмдан зиёд кредитлар имтиёзли шартлар асосида йиллик 3 фоиз ставкада ажратилди. Йил якуни хисоботларини маълумотларига кўра деҳқон ва фермерларимизнинг

фидокорона меҳнати билан мисли кўрилмаган натижаларга эришилди – мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги тарихида илк бор 8 миллион 50 минг тонна ғалла етиштирилди. Шунингдек, фермер хўжаликларига, агрофирмалар ва бошқа тадбиркорлик субъектларига иссиқхоналар ташкил этиш ва томчилаб суғориш тизимини жорий этиш учун имтиёзли фоиз ставкаси бўйича банк кредитлари ажратилиб келинмоқда. Республикамизда кишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган туб ислоҳот ва ўзгаришлар натижасида, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2 баробардан зиёд ошди. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган гўшт истеъмоли 1,3 баробар, сут ва сут маҳсулотлари 1,6 карра, картошка 1,7 баробар, сабзавотларни 2 мартадан зиёд, меваларни қарийб 4 баробар ошди. Республикамизда ҳар йили 16 миллион тоннага яқин мева ва сабзавот етиштирилмоқда. Аҳоли жон бошига деярли 300 килограмм сабзавот, 75 килограмм картошка ва 44 килограмм узум тўғри келмоқда. Бу кўрсаткич оптимал деб ҳисобланадиган истеъмол меъёридан уч баробар кўп бўлиб, БМТнинг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти бош директори Жозе Грациану да Силванинг фикрига кўра, Ўзбекистонда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, айниқса, мева ва сабзавотлар ҳажмининг ортиши бошқа мамлакатлардаги озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга ҳам хизмат қилиши мумкин.

Бугунги кунда фермер хўжалиги ҳақли равишда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг етакчи бўғинига, уни ташкил этишнинг асосий шаклига айланди. Ҳозирги вақтда фермерлик ҳаракати ўз таркибида 66 мингдан зиёд фермер хўжалигини бирлаштирмоқда.Мамлакатимиздаги жами ҳайдаладиган ерларнинг 85 фоиздан ортиғи, етиштириладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий қисми айнан фермерлар ҳиссасига тўғ‘ри келмоқда. Фермерларимизнинг онгу тафаккурида ўз ери ва ишлаб чиқараётган маҳсулотига нисбатан эгалик ҳиссиёти йилдан-йилга тобора мустаҳкамланиб, уларнинг ўз меҳнати натижасидан манфаатдорлиги ошиб бормоқда. Сўнгги йилларда қабул қилинган қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар фермер хўжаликлари ваколатларини сезиларли равишда

кенгайтирди.Қишлоқ хўжалигида махсулот рақобатбардошлигини оширишнинг асосий йўлларидан бири бу ишлаб чиқаришни жадал усулда ривожлантиришдир. Хозирги кунда фермер ҳўжаликларини жадал ривожлантириш учун уларни иқтисодий жихатдан бақувват қишоқ ҳўжалик корхонасига айлантириш даркор. Бу сохадаги ишлар қишлоқ ҳўалигида босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда, дунёнинг кўплаб мамлакатларида давлат қарзининг ортиб бориши билан боғлиқ муаммолар сақланиб қолаётган бир шароитда, Ўзбекистонимиз четдан қарз олиш бўйича пухта ўйланган сиёсат олиб бориши натижасида давлатимиз қарз ҳажмининг улушини нисбатан паст даражада ушлаб қолишга ва ўз мажбуриятларига тўлиқ жавоб берадиган мамлакат сифатида барқарор обрў-эътиборини сақлаб қолишга эришди.

Фермер ва дехқон хўжаликлари хусусий мулкчиликка асосланган хусусий тадбиркорликнинг шакллари хисобланиб улар ўзларининг ижтимоий иқтисодий мохияти жихатидан бир биридан фарқ қилмайдилар.Улар ўртасидаги барча тафовутлар охир- оқибат уларга бириктириладиган ер участкаларининг юқори даражаси белгиланган бўлса, фермер ҳўжаликларига аксинча, уларниг қўйи даражаси чекланган. Демак, истиқбол фермер ҳўжаликларини ривожланиши учун амалдаги ҳуқуқий меъёрий хужатлар асосида кенг йўл билан берилган.

Кишлоқ ҳўжалигини жадал ривожлантиришнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш, ер моддий техника ва мехнат ресурсларидан самарали фойдаланиш,ҳамда майиший ва иқтисодий щароитларини тўла хисобга олишни талаб қилади. Назарий жихатидан хар қандай капитални қўйиш мумкин,лекин бу ўз-ўзидан маълумки,бу мамлакатда шу пайитда барча шароитлар, яъни иқтисодий ,техникавий,маданий ва бошқалар мавжуд бўлишига боғлиқ. Кишлоқ ҳўжалигини ривожлантиришга сарифланадиган харажатлар оқилона сарифланиш керакки, бунда ҳўжалик хар бир-бирлиқ харажатга кўпроқ махсулот ва максимум фойда олиш керак.

Юқорида келтирилган маълумотлардан хулоса қилинганда, биз танлаган мавзу ҳозирги кунда илмий ва амалий тадқиқотларни талаб қилувчи долзарб масала ҳисобланади.

**Битирув малакавий ишининг мақсади ва вазифалари**. Битирув малакавий ишининг асосий мақсади фермер хўжаликларини ривожлантиришнинг аҳамиятини асослаш ва Олтинкўл туманидаги Пароқ водий алиплари фермер хўжалигида мехнатни илмий асосда ташкил этиш бўйича фикр-мулоҳазаларни, хулосаларни ва таклифларни ишлаб чиқишдир. Асосий мақсадга эришиш учун битирув малакавий ишида қуйидаги асосий вазифалар режалаштирилган:

1. Фермер хўжалигида меҳнатни илмий ташкил этиш ва меъёрлашнинг мохияти илмий назарий асослари аҳамиятини асослаш.
2. Олтинкўл туманидаги Пароқ водий алиплари фермер хўжалигида иш жойларини ташкил этиш.
3. Олтинкўл туманидаги Пароқ водий алиплари фермер хўжалигида мехнатни илмий ташкил этиш асосида иқтисодий самарадорлигини ошириш омилларини таҳлил қилиб бу бўйича фикр-мулоҳазаларни, хулосаларни ва таклифларни ишлаб чиқиш.

**Битирув малакавий ишининг амалий аҳамияти**. Битирув малакавий ишида бирлдирилган фикр ва мулоҳазалардан, қилинган хулосалардан ва берилган таклифлардан Олтинкўл туманидаги Пароқ водий алиплари фермер хўжалигида мехнатни такил этишни такомиллаштириш ва иқтисодий самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин. БМИ да билдирилган фикр-мулоҳазалардан бундан ташқари ушбу ҳудудда жойлашган ва ихтисослиги мос келадиган бошқа фермер хўжаликларида ҳам фойдаланиш мумкин.

**Битирув малакавий ишининг таркиби.** Битирув малакавий иши кириш, асосий қисм, хулоса ва таклифлар хамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Битирув малакавий ишининг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги асосланиб, битирув малакавий ишини максади, вазифалари ва

унинг таркиби асосланган. Асосий қисм 3-боб хамда 5 та саволдан иборат бўлиб, уларда ўқув ва илмий адабиётлар шарҳи, меҳнатни илмий ташкил этишнининг илмий назарий асослари келтирилиб, Олтинкўл туманидаги Пароқ водий алиплари фермер хўжалигида мехнатни илмий асосида ташкил этиш масалалари ўрганилиб, таҳлил этилган. Ишнинг хулоса қисмида бўйича Олтинкўл туманидаги Пароқ водий алиплари фермер хўжалигидаги мехнатни илмий асосида ташкил этиш бўйича фикр-мулоҳазалар ва таклифлар ишлаб чиқилган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхатига мавзуга оид бўлган қонунлар, Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа меъёрий-ҳукуқий ҳужжатлар ҳамда И.Каримовасарлари, махсус ўқув ва илмий адабиётлар, фермер хўжалигининг охирги уч йиллик ҳисоботлари ва фермер хўжалигининг бизнес режалари киритилган.

Битирув малакавий иши 64 бетни ташкил этади. Битирув малакавий ишини ёритишда 11 та жадваллардан ва 5 та чизмадан фойдаланилди.

# 1боб: Мехнатни илмий асосда ташкил этишнинг назарий услубий асослари.

## 1.1.Фермер хўжалигида меҳнатни илмий ташкил этиш ва меъёрлашнинг мохияти илмий назарий асослари.

Меҳнат фаолияти деганда инсонни бирор меҳнат тури билан банд бўлиши тушинилади. Меҳнат фаолияти инсоннинг ҳал қилинадиган вазифалар ва бажариладиган ишлари йиғиндисидан ташкил топади.

Меҳнат фаолиятининг моҳиятини умумлашган, ҳамда конкрет шаклда олиб қараладиган бўлса, бир-бири билан боғлиқ икки муҳим вазифани ҳал қилишнинг объектив зарурати билан белгиланади. Бу вазифалардан бири — инсонларнинг моддий меҳнат элементлари билан ўзаро ҳаракатга киришувини аниклашдан иборат бўлса, иккинчиси — биргаликда ёки ўзаро боғлангаи фаолият қатнашчилари ўртасида муносабатлари шаклланишидан иборатдир. Худди мана шу нарса меҳнат фаолиятини ташкил этиш предмети ҳисобланади. Бунинг моҳияти меҳнат фаолиятини ташкил этиш вазифасига (кенг маънода олганда) меҳнат субъектини (айрим ходим ёки меҳнат жамоаси) аниқлаш, уни зарур меҳнат предметлари ва воситалари билан таъминлаш, қулай меҳнат шароитларини яратиб бериш, меҳнат (ишларини бажариш) жараёнларини ташкил этиш, меҳнатга ҳақ тўлаш каби масалаларини ўрганиш билан боғлиқдир.

«**Ташкил этиш**» тушунчаси французча **organisation**, лотинча **organizo** - «**тартибга келтираман**» сўзидан келиб чиққан. Мазкур тушунча яхлит бир бутунлик ичида ўзаро алоқаларнинг юзага келиши ҳамда такомиллашишига олиб келадиган жараён ёки ҳаракатлар жамламасини англатади. Ташкил этиш деганда биргаликда амалга оширувчи муайян қоида ва тамойиллар асосида, бирор аниқ мақсад сари ҳаракат қилувчи кишиларнинг бирлашган фаолияти тушунилади. Шунга кўра, функционал нуқтаи назардан, ташкил этиш ички тартибларни ўрнатиш ва такомиллаштириш жараёни демакдир. Бинобарин, меҳнатни ташкил этиш атамаси кишилар фаолиятини тартибга солиш ва муайян тизимга келтиришни англатади. Бироқ, бундай таъриф ҳаддан ташқари умумий бўлганлиги учун уни мукаммал деб бўлмайди.

«Меҳнатни ташкил қилиш» тушунчасининг пайдо бўлиш тарихига тўхталганди, албатта, ушбу масаланинг асосчиси сифатида Ф. Тейлорнинг (1856-1915) номи тилга олинади. Ф. Тейлор меҳнатни «илмий бошқариш» муаммосини амалий жиҳатдан асослаб берган бўлиб, у иқтисодиётда муҳим ўрин тутади. Аммо, Ф. Тейлор кўзда тутган фан соҳасини иқтисодиётда ҳаддан ташқари торайтириб қўйиган. «Оқилоналаштириш» атамаси мазкур фанни тўғри номлаш муаммосини мураккаблаштирди, бу атама дастлаб Германияда қўлланилган бўлиб, кейинчалик у муайян даражада бошқа мамлакатларга ҳам ёйилди. Мазкур атама шу қадар ноаниқ ва умумий тусдаги мазмунга эгаки, уни ҳар қандай яхшиланишга нисбатан қўллаш мумкин. Шуни ҳам айтиш керакки, ривожланган хорижий мамлакатларда ҳозирги вақтда «меҳнатни илмий ташкил этиш» ёки «меҳнатни ташкил этиш» атамалари деярли қўлланилмаяпти.

Бу муаммо жуда кўпгина МДҲ мамлакатлари, жумладан, Ўзбекистонда ҳам мавжуддир. Ундан турли даражаларда ўрин тутадиган хилма-хил ҳодисаларни номлаш учун фойдаланилади. «Ташкил этиш» атамаси айрим корхона, муассаса, фирма ва умуман жамиятга нисбатан қўлланилади. Шу билан бирга, гап турли объектлар: меҳнат, ишлаб чиқариш, бошқариш тўғрисида бориши мумкин.

Жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тузилиши, айни кишиларни меҳнатга жалб этиш, меҳнатнинг ижтимоий тақсимоти, ижтимоий маҳсулотни тақсимлаш

1-чизма. Меҳнат фаолиятини ташкилий таъминлаш тамойиллари

| | |
|---|---|
| **ТАМОЙИЛЛАР** | **Илмийлик** (ходимлар фаолиятини ташкил этишда фаннинг сўнгги ютуқларидан фойдаланиш) |
| | **Комплекслик** (ходимлар фаолиятини ташкил этишни унинг барча йўналишлари бўйича ва барча ходимларга нисбатан комплекс тарзда такомиллаштириш) |
| | **Узлуксизлик** (ходимлар фаолиятини ташкил этиш техникавий тараққиётга эргашиши ва ишлаб чиқаришнинг ўзгарувчан шароитларга мос келиши лозим) |
| | **Меъёрийлик** (ходимлар фаолиятини ташкил этиш ишлари уларнинг айрим томонларини тартибга соладиган муайян меъёрий негиз асосида амалга оширилиши керак) |
| | **Тежамлилик** (камроқ сарф-харажат қилиб, кўпроқ натижаларга эришиш) |

усули ва ишчи кучини тиклаш хусусиятлари кўриб чиқилаётганда «меҳнатни ижтимоий ташкил этиш» тушунчасидан фойдаланилади.

«Меҳнатни ташкил этиш» атамасидан айрим корхонага татбиқан фойдаланилганда уни кенг ва тор маънода талқин этиш мумкин. Кенг маънода меҳнат, ишлаб чиқариш ва бошқаришни ташкил этиш билан боғлиқ масалаларнинг барчасини англатади. Мазкур тушунчани шундай талқин қилиш тарафдорлари корхонада меҳнат фаолиятини ташкил этишга уни яхлит бир бутун деб ёндашадилар. Бошқа муаллифларнинг фикрича, «меҳнатни ташкил этиш» тушунчасининг мазмунини бундай англаш тегишли ҳодисанинг ижтимоий аҳамияти нуқтаи назаридан тўғри бўлса-да, корхоналарда ишлаб чиқариш жараёнида жонли меҳнатнинг мавжудлиги учун уни тўлиқ ва атрофлича ўрганишни қийинлаштиради.

Тор маънода меҳнатни ташкил этиш деганда жонли меҳнатни ташкил этиш, меҳнатни тақсимлаш ва кооперациялаш, иш жойларини ташкил этиш, меҳнат усуллари, шароитлари ва дам олиш тартибларини оқилоналаштириш, меҳнатни меъёрлаш, ходимларни тайёрлаш ва малакаларини ошириш, моддий рағбатлантириш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш каби бир қатор амалий тадбирлар мажмуаси тушунилади.

Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, самарали меҳнат фаолиятини ташкил этиш (меҳнат предмети ва воситаларининг мавжудлигини тақазо этади); меҳнат шароитларини ташкил қилиш (технологик ва экологик омилларини тақозо этади); меҳнат муносабатларини ташкил этиш (ходимлар ўртасидаги муносабатларни шакллантиришни талаб этади); меҳнатга ҳақ тўлашни ташкил этиш, меҳнатни ўлчаш, нормалаш ҳамда меҳнат сарфини унинг сифатига қараб баҳо беришни тақазо этади. Бу муаммоларнинг ечилиши мустақил аҳамиятга эга бўлишдан ташқари, меҳнат фаолиятини ташкил этишнинг ажралмас функцияси сифатида ҳам қаралади.

Ишлаб чиқариш муносабатларида меҳнат фаолиятини ташкил қилиш масаласи энг асосий кўрсаткичлардан биридир. Ишлаб чиқариш муносабатларида ишчи кучи ва меҳнат қуроллари, меҳнат предметлари

орасидаги ўзаро боғлиқлик юзага келади. Ўзаро боғлиқлик ва таъсир, меҳнат фаолиятини қай ҳолатда ташкил этилганлиги натижасидир. Меҳнат фаолиятини ташкил этиш, бир томондан унинг асосларини (ҳуқуқий, маънавий-психологик, иқтисодий, ижгимоий) юзага келиши, иккинчи томондан меҳнат фаолияти механизмини шакллантирилишини тақозо этади (1-расмга қаранг).




1.-расм. Меҳнат фаолиятининг асослари

Ҳуқуқий асослар — ишлаб чиқариш муносабатларидаги меҳнат фаолиятини ташкил қилишга хизмат қиладиган ҳуқуқий мезонлар (фуқаролик, маъмурий, эгалик ҳуқуқлари, корхона ишлаб чиқариш билан боғлиқ ҳуқуқий ҳужжатлар).

Маънавий-психологик асослар — бу меҳнат фаолиятини ташкил килишда ишлаб чиқариш муносабатларида томонлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар ва уларни шаклланиш жараёни билан юзага келади (бунда ёлланма ишловчилар ўртасидаги ўзаро муносабат, раҳбар ёки корхона эгаси билан ёлланма ишловчи ўртасидаги муносабат ёки жамоа ўртасидаги ўзаро муносабатлар).

Иқтисодий асослар эса, меҳнат фаолиятини ташкил қилишнинг асосини ташкил этади. Бунда меҳнат фаолиятини ташкил қилиш мезонлари (яъни шахснинг моддий манфаатдорлиги, бу ерда меҳнат фаолиятидан қониқиш даражаси кўзда тутилади).

Ижтимоий ишлаб чиқариш муносабатларида, меҳнат фаолиятининг мазмуни — ҳар бир шахснинг профессионал малака даражаси, ишбилармонлик ва тадбиркорлик қобилияти ва бошқалар ташкил этади. Ходимлар фаолиятини ташкилий жиҳатдан таъминлашнинг корхона иш фаолияти тизимидаги ўрни ва ходимлар фаолиятини ташкилий таъминлашнинг элементлари 3.1-чизмада кўрсатиб берилган. Ушбу чизмага биноан ҳар қандай корхона фаолиятини ташкил этишнинг негизи бўлган меҳнат тақсимоти корхона ва ходимлар фаолиятини ташкилий жиҳатдан таъминлашдан олдин амалга оширилиши лозим. Ҳозирги шароитда кишилар фаолиятининг меҳнатдаги буюмлашган элементлар билан ўзаро алоқасини ўрнатибгина қолмай, ўзаро ҳамкорликдаги фаолият қатнашчилари бўлган «инсон-техника» ўртасида меҳнат муносабатларини шакллантириш, жонли меҳнат самарадорлигини ошириш каби муаммоларни ечиш зарур бўлмоқда.

Меҳнат тақсимоти меҳнат фаолиятининг сифат жиҳатидан ҳар хил турларини алоҳидалаш ва улар ўртасида миқдорий нисбатлар ўрнатишдир. Меҳнат кооперацияси меҳнат тақсимоти жараёнининг ажралмас жиҳати бўлиб, у меҳнат фаолиятининг айрим турлари ўртасидаги ишлаб чиқариш жараёнининг ўзаро алоқалари сифатида намоён бўлади. Корхона миқёсида меҳнат тақсимоти ва кооперацияси масалаларини ҳал этиш ҳамда ташкилий тузилмаларни ишлаб чиқиш ходимларни шакллантиришдан олдин амалга оширилиши даркор. Ходимлар фаолиятини ташкилий жиҳатдан таъминлашнинг мазмуни унинг таркибий элементлари ва йўналишлари билан белгиланади. Ходимлар фаолиятини ташкилий таъминлаш элементлари 2.1-чизмада келтирилган бўлиб, уларнинг ҳар бири алоҳида аҳамиятга эга.

1. **Меҳнат тақсимоти ва кооперацияси**. Корхона миқёсида меҳнат тақсимоти амалга оширилиб, унинг кооперацияси пухта ўйлаб кўрилгандан кейин корхона ичида меҳнатни чуқур тақсимлаш ва кооперациялашни амалга ошириш – алоҳида участкалар, ходимлар ўртасида меҳнатни тақсимлаш, ходимларни жой-жойига қўйиш, улар фаолиятининг ўзаро боғланиши ва синхронизациясини таъминлаш имконини беради.

2. **Меҳнат жараёнларини ташкил этиш.** Меҳнат фаолиятини ташкилий жиҳатдан таъминлаш меҳнат жараёнларини ташкил этиш, яъни аниқ иш турини бажаришда қўлланиладиган усулларни белгилаб олишни назарда тутади. Меҳнат жараёнларини ўрганиб чиқиш ва уни амалга оширишга қанча иш вақти сарфланиши зарурлигини аниқлаш энг яхши иш усулларини танлаш, иш жойларини оқилона тақсимлаш имконини беради.

3**. Меҳнатни меъёрлаш**. Меҳнат меъёрини белгиламасдан туриб, ходимлар фаолиятини ташкилий жиҳатдан таъминлаб бўлмайди. Меҳнатни меъёрлаш ходимлар фаолиятини ташкилий жиҳатдан таъминлашнинг турли вариантларини баҳолаш воситаси бўлиб хизмат қилади. Ҳар қандай ташкилий ўзгариш иш вақти сарфларига маълум даражада таъсир этиши туфайли меҳнатни меъёрлаш ушбу ўзгаришларни миқдоран баҳолаб, энг оқилона вариантни танлаш имконини беради.

4**. Иш жойларини ташкил этиш**. Меҳнат жараёни маълум вақт ва маконда амалга оширилади. Иш жойи меҳнатни маконий қўллаш объекти бўлади. Иш жойи ишлаб чиқариш жараёнининг бирламчи бўғини ва ташкилий-техникавий негизидир. Айнан унда ушбу жараён уч асосий элементининг бирлашиши рўй беради ва унинг бош мақсади – меҳнат буюмининг моддий жиҳатдан ўзгартирилишига эришилади. Шу сабабли ишлаб чиқариш топшириқларини ўз вақтида ва сифатли бажариш учун ҳар бир иш жойи аниқ ишнинг табиатига кўра муайян тарзда ташкил қилинган бўлиши.

5. **Меҳнат шароитлари**. Меҳнат шароитларини яратиш ходимлар фаолиятини маънавий ва моддий жиҳатдан таъминлашнинг ажралмас қисми бўлади. Меҳнат шароитлари инсоннинг саломатлиги ва иш қобилиятига катта таъсир кўрсатадиган муҳим омилдир. Меҳнат шароитларини яхшилаш, ишнинг қизиқарлилигини ошириб, меҳнатга ижодий муносабатда бўлишига кўмаклашиб, катта ижтимоий вазифани ҳам бажаради.

6. **Меҳнат ва дам олиш тартиблари**. Бир қатор муаллифлар меҳнат ва дам олиш тартибларини такомиллаштириш масалаларини меҳнат шароитларини оқилоналаштиришнинг ягона муаммоси доирасида кўриб чиқадилар. Биз бундай

ёндашувга эътироз қилмаймиз, лекин ушбу масалалар маълум хусусиятларга эга эканлиги ва нисбатан мустақиллиги туфайли уларни ходимларнинг фаолиятини ташкилий жиҳатдан таъминлашнинг алоҳида элементи деб қараш мақсадга мувофиқдир.

7. **Ходимларни танлаш**, тайёрлаш ва малакасини ошириш. Ташкилий вазифаларни ҳал қилишда ходимларни тайёрлаш ва уларнинг фаоллик даражасини ошириш катта аҳамиятга эга. Бозор муносабатларини ривожлантириш ходимларни тайёрлаш ва малакасини оширишга ёндашишни тубдан ўзгартиради. Янги шароитларда ходимлар билан ишлаш соҳасида вазиятга мослашувчанлик зарур, яъни касбий тузилма ишлаб чиқаришнинг техникавий негизи ўзгариб боришига мувофиқ равишда ўзгарувчан бўлиши лозим.

8. **Меҳнатни рағбатлантириш**. Меҳнатни моддий ва маънавий рағбатлантириш тизимини яратиш иш ҳақи, лавозим маоши турлари ва тизимларидан фойдаланиш, мукофотлаш тизимларини ишлаб чиқиш кабиларни назарда тутади. Меҳнатни рағбатлантиришни ташкил этиш меҳнат фаолиятида юксак кўрсаткичларга эришиш мақсадида иш вақтидан оқилона фойдаланиш, илғор иш усулларини ўзлаштириш, иш жойларини яхшироқ ташкил этиш, ишда зарурий аниқлик ва уюшқоқликни таъминлашга қаратилиши лозим.

9. **Ижтимоий-меҳнат муносабатлари**

Ҳозирги вақтда «ижтимоий-меҳнат муносабатлари» атамаси илмий истеъмолга кириб қолди ва фаол равишда ишлатилмоқда. У номлаётган реалликларни таркибий элемент сифатида ходимларнинг меҳнат фаолиятини ташкилий жиҳатдан таъминлашга киритиш ўринлидир.

10. **Меҳнат интизоми**. Корхона ходимларининг умумий меҳнат натижалари ҳар бир ходимнинг шахсий меҳнат натижаларига боғлиқдир. Шу сабабли уларнинг биргаликда фаолият олиб боришлари учун муайян тартибни сақлаб бориш, ишнинг бошланиши ва тугалланиши, танаффуслар ва ҳоказоларга риоя этиш лозим. Бундан ташқари эса меҳнат интизомини сақлаб боришнинг аниқ механизми ҳам зарур.




2-чизма.Фермер хўжалигини фаолияти тизимида ходимларнинг меҳнат фаолиятини ташкилий жиҳатдан таъминлаш

**1.2. Олтинкўл туманидаги Пароқ водий алиплари фермер ҳўжаликида иш жойларини ташкил этиш ва уларни бахолаш**

Ўтказилаётган аграр ислохат нафақат бозор иқтисодиётига мослашган ишлаб чиқарувчиларни (фермерларни) шакллантиришни, балки, шунингдек, принци пал жихатдан ўзга бозор ва ишлаб чиқариш қишшлоқ хўжалигини ривождантириш инфраструктурасини яратишни кўзда тутади. Унингсиз қишшлоқ хўжалигида молиявий барқарор фермерлик тармоқини шакллантириш, демак-ки, аграр ислохатларни ривожлантириш ҳам мумкин

бўлмаган бўларди.  Фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи сохаларини фермерларнинг бевосита ишлаб чиқариш фаолиятлари кечадиган жойларга яқинлаштириш уларга қишшлоқ хўжалик махсулотларини ишлаб чиқариш чиқимларини камайтириш, ўз даромадларини кўпайтириш ва шу билан кўрсатилган хизматлар учун ҳақ тўлаш учун молиявий имкониятлар яратади. Мехнатни  илмий ташкил этиш  объектларини яратиш туфайли бўшаётган фермер хўжаликдаги ишчи ва хизматчилкарини иш турларни тартибга келтириш ва уларни такомиллаштириш  зарурати туғилади, чунки фермер хўжаликларида иш турларини меъёри  (нормаси) шароитларига тўла жавоб бермайди ,шунинг натижасида қайта  кўриб чиқиш зарурати мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов томонидан республика Ҳукуматининг 2014-йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунларини муҳокама этиш ва мамлакатимизнинг 2015-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор йўналишларини тасдиқлаб олишдир.Ўтган йил якунларини сарҳисоб қилар эканмиз, биринчи навбатда, иқтисодиётимиз ва унинг етакчи тармоқларини ривожлантириш борасида барқарор юқори ўсиш суръатларига эришганимизни таъкидлаш жоиз. Мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти 8,1 фоиз, саноат ишлаб чиқариш ҳажми 8,3 фоизга, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши 6,9 фоиз, капитал қурилиш 10,9 фоиз, чакана савдо айланмаси ҳажми 14,3 фоизга ошди. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг қарийб 70 фоизини юқори қўшимча қийматга эга бўлган тайёр товарлар ташкил этди. Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 2014-йилда 9,4 фоиз, шу жумладан, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 8,7 фоиз, ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 10 фоизга ўсди. Инфляция даражаси йил якунлари бўйича 6,1 фоизни ташкил этди. Бу прогноз кўрсаткичларига нисбатан сезиларли даражада пастдир. Ўтган йили солиқ юки 20,5 фоиздан 20 фоизга, даромад солиғи ставкаси эса 9 фоиздан 8 фоизга камайтирилган бўлса-да, давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,2 фоиз

профицит билан бажарилди. Банк тизимидаги ислоҳотлар иқтисодиётимизнинг барқарор ўсиш суръатларини таъминлашда энг муҳим омил бўлди. Бунинг натижасида тижорат банкларининг жами капитали 25 фоизга ошди. Банк тизимининг мустаҳкамланиши 2014-йилда Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасини 12 фоиздан 10 фоизга, тижорат банкларининг кредитлар бўйича фоиз ставкасини ҳам шунга мос равишда камайтириш учун зарур имкониятлар туғдирди.

Бозор иқтисодиёти даврида рақобатда енгиб чиқишнинг асосий омилларидан бири макроикдисодиётга тааллуқли, ижтимоий ва шахсий секторлардаги жумладан фермер хўжалиуларидаги ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга эришишдир. Бу асосан мавжуд ишчи кучидан оқилона фойдаланиш эвазига эришилади. Ўз навбатида ишчи кучидан самарали фойдаланиш кўпинча ҳар хил бажарилиши зарур бўлган ишларнинг айрим ижрочилар ўртасида тўғри тақсимланишига, яъни уларшшг малакасига, тажрибасига ва зукколигига яраша иш билан баб-баровар таъмин этилишига боғликдир. Бу масалани мақсадга мувофиқ ҳал этиш учун, биринчи навбатда, меҳнатни ишчи ишлаб чиқаршцда пухта ўйлаб, оқилона тақсимлаши лозим бўлади. Бу ташкилий масала меҳнат тақсимоти натижасида амалга оширилади. .

Меҳнат тақсимоти деганимизда, ҳар хил меҳнат турларннипг бир-биридан ажратилишини, пировардида ишлаб чиқаришда иштирок этувчи турли гуруҳ кишнларнинг хилма-хил меҳнат фаолиятлари билан банд бўлишини тушунамиз.

Меҳнат тақсимотининг асосий устунликларидан бири шундаки, бунда ишчи ишнинг маълум бир турида чукур ихтисос топади, шу иш бажарилиш техникасини ва тартибни пухта эгаллаб олади, зарур кўникмаларни касб этади, иш усул ва услубларни янада такомиллаштиради. Бунда махсус асбоб ва ускуналар ишлатилади. Бундан ташқари меҳнат тақсимотида ходимларни иш жараёнига тайёрлаш ҳам осонроқ бўлади.

Ишлаб чиқаришда меҳнат тақсимотишшг учта тури мавжуд бўлади: умумий меҳнат тақсимоти, хусусий меҳнат тақсимоти, қисман (айрим) меҳнат тақсимоти.

Умумий меҳнат тақсимотига кишилар фаолиятининг ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳалари ўртасидаги меҳнат тақсимоти киритилади, бу соҳалар ичида эса — саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт, алоқа, савдо, халқ таълими, фан, давлат бошқаруви, маданият ва ҳоказолар ўртасидаги меҳнат тақсимоти киритилади. Ана шу соҳалар ўртасида ходимларнинг тақсимланиши умумий меҳнат тақсимоти ва жамиятнинг айрим мамлакат ва унинг минтақасининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши жараёнидаги ўзгаришлар таснифи бўлиб хизмат қилиши мумкин.




3-расм Мехнат тақсимотини турлари.(1)

Хусусий меҳнат тақсимоти умумий меҳнат тақсимотининг соҳалар ва тармоқлар ичидаги тақсимотини назарда тутади. Масалан, саноат тармоқлари, кичик соҳалар, бирлашмалар, айрим корхоналарга бўлинади; қишлоқ хўжалиги — деҳқончилик ва чорвачиликка, улар ичида эса ихтисослаштирилган тармоқларга (ғалла, пахта, картошка етиштириш, боғдорчилик, гўшт, сут, жун етиштириш ва шу кабиларга) бўлинади. Саноатда бўлгани каби қишлоқ хўжалигида ҳам хусусий меҳнат тақсимотининг пировард босқичи айрим ихтисослаштирилган корхона ҳисобланади. Бу хилдаги хусусий меҳнат тақсимоти ноишлаб чиқариш соҳасининг ҳар қандай тармоғида: халқ таълимида, тиббиётда, давлат бошқаруви ва ҳоказоларда мавжуддир.

Айрим меҳнат тақсимоти ишлар ва меҳнат функцияларининг айрим корхона ёки алоҳида ташкилот ходимлари ўртасида: цехлар, участкалар, бригадалар, звенолар, айрим ижро этувчи ходимлар бўйича, шунингдек, уларнинг касб-малака гуруҳлари ўртасида тақсимланишини назарда тугади. Меҳнат тақсимотининг бу тури анча мураккаб ва муҳим бўлиб, унда муайян меҳнат жараёнлари алоҳида меҳнат тақсимоти доирасида содир бўлади; иқтисодий натижалар ҳам ана шу даражада амалга оширилади: ижрочиларнинг ихтисослашуви ва улар касб маҳоратининг ортиши, ихтисослашган юқори унумли асбоб-ускуналарнинг татбиқ этилиши, меҳнат унумдорлигининг ортиши, муболағасиз шуни айтиш мумкинки, барча даражадаги меҳнат тақсимотисиз ҳозирги замон техника ва ижгимоий-иқтисодий тараққиёт бўлиши мумкин эмас.

Фермер хўжалигида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш сохаларида меҳнат тақсимотининг ҳар хил шакллари қўлланилади.




3-расм Мехнат тақсимотини турлари.(2)

Касб малакали мехнат тақсимоти ишчининг мутахасислиги ва бажарилаётган ишининг мураккаблигини ҳисобга олиб амалга оширилида.

Босқичли меҳнат тақсимотида ишчиларнинг касби мутахасислиги бўйича сонини энг оптимал ҳолга келтириш мақсадида амалга оширилади.

Технологик меҳнат тақсимоти ишлаб чиқариш жараёнларининг қайта ишлаш (передел) фаза ва циклларига қараб бўлади. Бунда энг муҳими уларни бажаришнинг технологая жиҳатидан бир хил бўлишидир.

Функционал меҳнат тақсимоти қўлланилганида айримлар асосий ишни бажаришда ихтисос топади, бошқалари ёрдамчи ишни бажаришда, учинчилари эса тайёрлаш, хизмат кўрсатиш ишини бажаришда ихтисос орттиради.

Малакали меҳнат тақсимоти ёки бажариладиган ишларнинг мураккаблигига қараб меҳнатни тақсим қилиш, мураккаб ишлар билан оддий ишларни бир-биридан ажратишдан иборат. Шу билан бирга маҳсулот тайёрлашдаги технологик мураккаблик деганимизда тайёргарлик функцияларини ва меҳнат жараёнларини бажаришдаги, шунищдек, тайёрланган маҳсулот, кўрсатилган хизмат сифатини назорат қилишдаги мураккабликлар назарга олинади.

Иқтисодий томон деганда Фермер хўжаликлари  даражасидаги ишлаб чиқариш корхоналарда меҳнат самарадорлигини ўстириш ҳамда маҳсулот сифатини яхшилаш назарда тутилади.

Физиологик томон деганда шундай меҳнат тақсимоти кўзда тутиладики, унда ишдаги бир хиллик киши танасининг турли қисмларига оғирлик (нагрузка) бир текис бўлмаслиги, узоқ вақт (ойлар, йиллар) давомида ишда бир хил ҳаракат натижасида толиқиш юз бермайдиган бўлсин.Бунда фермер хўжаликларида ишчи ва ёлланма ишчиларни пахта даласида ёввоий бегона ўтларни кўпйиб кетиши натижасида узоқ  вақит давом этадига тозолов ишларини тартибга келтириш масаласи.

Социал томон деганда операцияларнинг шундай структураси зарурлиги назарда тутиладики, унда иш қилувчининг жисмоний ва ақлий иши навбатлашсин ёки қўшиб олиб бориладиган бўлиб, меҳнат ёқимли бўлсин, унинг мазмундорлиги ошсин, ишнинг жисмоний қисми камайсин, жисмоний меҳнат билан ақлий меҳнат ўртасидаги тафовуг камайиб борсин.Фермер хўжаликларида пахта ва ғалла махсулотларини йиғим терим жараёнида барча ишчи ва хизматчиларни жалб қилиниши натижасида олиб бориладиган мехнат ўртасидаги тафоутларни камайтириб бориш зарурати амалга оширилади.

Қишлоқ хўжалигида  бу бирлаштириш, меҳнат фаолияти жараёнидаги алоҳида ихтисослаштирилган ижрочилар ўртасидаги алоқаларнинг ўрнатилииш

меҳнат кооперацияси деб аталади ва меҳнат фаолиятининг ташкил этилишидаги энг муҳим элементларидан бири ҳисобланади.

Меҳнат кооперациясининг мақсадга мувофиқ ташкилий шаклларини танлаш — меҳнатни ташкил қилишнинг меҳнат тақсимотидан кейинги, иккинчи муҳим масаласидир.

1. Ихтисослаштирилган фермер хўжаликлар илмий экпериментал хўжаликлари . Бунда фермер хўжаликларидаги бир неча жамоа аъзолари жамоасининг бир хил ишлаб чиқариш жараёнида ёки турли бўлса-да, бир-бири билан боғлиқ ишлаб чиқариш жараёнларида режали равишда ва биргаликда ишгирок этишиб махсулот ишлаб чиқаришга қаратилади.

2. Ихтисослаштиралган фермер хўжаликларининг ер участкалари ичидаги меҳнат кооперацияси. Бу участкалар ичидаги бир неча гурух ишчи ва хизматчиларнинг бир хил ишлаб чиқариш жараёнида ёки ҳар хил бўлса-да, бир-бири билан боғлиқ ишлаб чиқариш жараёнларида режали ва биргалашиб иштирок қилишидир.

Участка ичидаги меҳнат кооперацияси айрим ижрочилар ва бригадалардаги ишчилар кооперациясидир. Ўз навбатида бригада ичида ҳам ишчиларнинг меҳнат кооперацияси ташкил этилади. Бу меҳнат кооперациясининг энг оддий формаси бўлиб, уни ички участка меҳнат кооперациясининг бригада тури деб юритилади. Ишлаб чиқариш бригадаси — бу бошланғич меҳнат жамоасидир, бригада бир ёки бир неча касблардаги ягона ишлаб чиқариш топшириғини бажарадиган ишчиларни бирлаштиради.

Ишлаб чиқариш бригадасининг касб-малака таркиби бажариладиган ишларнинг мураккаблигига қараб аниқланади. Бригаданинг барча аъзолари биргаликда ишлайдилар ва ҳар доим ўзаро боғлиқ бўладилар. Улар меҳнатининг натижаси тугалланган маҳсулот ёки иш ҳажми ҳисобланади.

Ишлаб чиқаришни ташкил этиш хусусиятларига қараб шилаб чиқариш бригадаларининг турли шаклари ва турлари ташкил этилади, улардан ҳар бири ичида меҳнат кооперацияси ўз хусусиятларига эга бўлади.Меҳнат тақсимоти ва кооперациянинг объектив зарур эканлигини фермер хўжаликларни

ихтисослашуви ва кооперацияси талаб қилади. Ходимларнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда уларни мақсадга мувофиқ ихтисослашувисиз, ваколат доирасини қатьий чегаралаб, биргаликда иш бажарувчи барча қатнашчиларнинг аниқ ўзаро ёрдам кўрсатишни ташкил этмасдан туриб, меҳнат самарали бўлиши мумкин эмас.

Меҳнат тақсимоти ва кооперация ўзаро боғланган ҳамда бир-бирини тақозо этади. У шу нарсада ифодаланадики, меҳнат вазифаларини чегаралаб, уларни муайян ходимларга (ходимлар гуруҳига) бириктириб қўйиш уларнинг ўзаро ёрдам кўрсатиш предметини олдиндан белгилаб беради. Шунинг учун ҳам меҳнат тақсимоти тушунчаси кенг маънода ундан ажратиб бўлмайдиган кооперация тушунчасини ҳам таърифлаб беради. Шу билан бирга одамларнинг биргаликдаги фаолият жараёнидаги ўзаро ёрдам кўрсатиш шакллари, ўз навбатида якка тартибдаги ва жамоа тарзидаги меҳнат тақсимотининг тегишли чегараларини белгилаб беради. Пароқ водий алиплари фермер хўжаликларида хозирги кунгача ишлаб чиқаришда меҳнатни илмий ташкил этишнинг ташкил этишнинг барча эскириб кетган шакллари ҳамон маълум даражада сақланиб қолаётир, шунинг учун фермер хўжалигини иқтисодий кўсаткичларини ривожланиши аптимал даражага кўтариш қийнчилик туғдирмоқда, меҳнатни ташкил этишни ва унинг муҳим қисми бўлган меҳнат тақсимоти ва кооперациясини чуқур таҳлил қилиш ва бир қатор чора-тадбирлар белгилаш зарурати туғилмоқда .

Фермер хўжалигини тахлил қилиш меҳнат жараёнини ташкил этишнинг бошланғич омилларини ,ишлаб чиқариш типини, унинг кўламларини, технологик жарёнлар, машина ва асбоб-ускуналарнинг ўзига хос хусусиятларини, меҳнатни механизациялаш, ер участкалардан самари фойдаланиш мақсадида ишлаб чиқаришни турли илмий методлани қўллаш ва ишчи ва хизматчиларни малака ва мохоратларни ишга солиш шу билан бирга техника ва технологиялрини машина вақтини кўпатириш даражасини аниқлашдан иборат.

Пароқ водий алиплари фермер хўжаликларида ишчилар меҳнатининг мураккаблигни таҳпил қилиганимиз унча мурракаб бўлмаганлигини хисобга олиб касб-малака даражасига қўйиладиган талаблар ва унинг ишлаб чиқариш талабларига мувофиқ келади .

Иш вақтидан машиналар ҳамда асбоб-ускуналар иш вақтидан фойдаланишни таҳпил қилиш: кун давомида иш вақтининг бекор сарф бўлишини ҳамда уларнинг сабабларини аниқлаш; ишлаб чиқариш жараёнидаги „қалтис жойлар"ни аниқлаш, бунда меҳнат сарфининг юқори бўлиши ёки ишчиларнинг улгурмаслиги сабабли айрим операцияларни бажаришда кечикиб кетишлар содир бўлади, кейинги операцияларда бекор туриб қолиш ва кутиб қолишлар, шунингдек меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомининг бузилиши оқибатида ягона ишлаб чиқариш жараёнининг боришида узилишлар рўй беради. Иш вақтидан фойдаланишни таҳлил қилишда иш билан бандликнинг мазкур турига мос келмайдиган тасодифий ишларни бажариш вақги ҳам, асбоб-ускуналарнинг ишини пассив равишда кузатиб туриш вақти (бу меҳнат функцияларини бирга қўшиб бажариш учун резерв сифатида қаралади), жиҳозларни созлашни ва режадан ташқари таъмирлаш ишларини амалга оширишни кутиш муносабати билан ишчиларнинг бекор туриб қолиш вақти ҳам ҳисобга олинади.

## 2-боб:Пароқ водий алиплари фермер хўжалигининг уммий таснифи ва иктисодий кўрсаткичлари.

### 2.1.Олтинкўл туманидаги «Пароқ водий алиплари» фермер хўжалигининг табиий-иқтисодий шароитлари.

| 9 | 1 центнер бугдойни Таннархи | Сўм | 26954,2 | 28646,3 | 30054,2 | 111,5 |
| 10 | 1 центнер бугдойни сотиш баҳоси | сўм | 36845,5 | 38300 | 41798,3 | 113,4 |
| 11 | 1 гектар ҳисобига:<br>а) ялпи маҳсулоти<br>б) фермер даромади | м,с<br>м,с | 2299,2<br>280,8 | 2309,5<br>236,6 | 2629,1<br>360,6 | 114,4<br>128,4 |
| 12 | 1 ходим ҳисобига:<br>а) ялпи маҳсулот<br>б) иш ҳақи | м,с<br>м,с | 16094,1<br>2260,5 | 16570,6<br>2478,8 | 18863,9<br>2916,2 | 117,2<br>129,0 |
| 13 | Рентабеллик | % | 36,7 | 33,7 | 39,1 | 106,5 |

Манба: Олтинкул туманидаги Порлоқ водий алиплари фермер хўжалиги маълумотлари асосида тузилди.

ҳисобланади. Пароқ водий алиплари фермер хўжалигида ғаллачиликдаги фойда 17282,1 минг сўмдан 21200,8минг сўмгача ёки 12.7фоизга ортган.

Фермер хўжалигининг ердан фойдаланиш бўйича иқтисодий самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлари анча яхшиланган. Жумладан 1 гектар буғдой экилган майдонга тўғри келувчи ялпи маҳсулот ҳажми 2012 йилдаги 2299,2 минг сўмдан 2014 йилда 2629,1 минг сўмга етган ёки 14.4 фоизга ўсганлигини маълумотлар иасдиқламоқдалар. Пароқ водий алиплари фермер хўжалигининг ғаллачилик тармоғида ишлаш учун жалб этилган 4 нафар ишчининг ўртача ҳар бирига тўғри келувчи ялпи маҳсулот ҳажми 2012 йилдаги 16094,1 минг сўмдан 2014 йилда 18863,9минг сўмгача ўзгарган ёки 117.2 фоизга ўзгарган. Шу ўринда ҳар бир ишчининг йиллик иш ҳақи 2916,2 минг сўмни ташкил этган.Юқоридаги барча кўрсаткичларни умумлаштирган ҳолда ғаллачиликда якуний иқтисодий самарадорлик кўрсаткичи бўлган рентабелликни аниқлаш мумкин. Фермер хўжалигининг ғаллачиликдан олган фойдасини жами ишлаб чиқариш ҳаражатларига нисбатини фоиз ҳисобида олиш натижасида рентабеллик даражаси 2012 йилдаги 36.7% даражадан 2014 йилда 39.1 % га етган. Бу кўрсаткичнинг яхшиланиши сабаби юқорида таъкидланганидек, ялпи маҳсулот ҳажмини ишлаб чиқариш ҳаражатларига нисбатан устун даражада ўсиши ҳисобланади. Аммо бу ҳали кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнини таъминлай олмайди. Ҳозирги шароитда оптимал рентабеллик бўлган 50-55%ли рентабеллик даражасига эришиш учун ҳали имкониятлар мавжуд. Олтинкўл туманидаги Пароқ водий алиплари фермер хўжалигида буғдой етиштириш харажатлари ва уларни акс этирилган 9- жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики хўжаликда охирги уч йилда ишлаб чиқариш харажатлардан моддий харажатларнинг унуми 2012 йилга нисбатан 2014 йилда камайган. Бу ижобий холат хисобланади. Сабаби моддий харажатлар буғдой хосилдорлигига таъсир кўрсатувчи омиллар киради. Улар жумласига уруғлик,ўғитлари ёқилғи мойлаш материаллари ва бошқа иш ва хизматлар киради.

**Олтинкул туманидаги Порлоқ водий алиплари фермер хўжалигида буғдой етиштириш ҳаражатлари ва уларнинг таркиби 9-жадвал**

| № | Харажатлар тури | 2012 й | | 2013 й | | 2014 й | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | минг сўм | % | минг сўм | % | минг сўм | % |
| 1 | Моддий харажатлар | 29575,3 | 62,8 | 30489,0 | 61,5 | 33475,1 | 61,7 |
| | а) уруглик | 4521,1 | 9,6 | 4561,0 | 9,2 | 5534,0 | 10,2 |
| | б) угитлар | 8571,2 | 18,2 | 8973,2 | 18,1 | 9657,3 | 17,8 |
| | в) Ё,М,М | 6922,9 | 14,7 | 7138,9 | 14,4 | 7649,9 | 14,1 |
| | г) иш ва хизматлар | 6970,0 | 14,8 | 7039,7 | 14,2 | 7487,1 | 13,8 |
| | д) бошка моддий харажатлар | 2590,2 | 5,5 | 2776,2 | 5,6 | 3146,8 | 5,8 |
| 2 | Мехнат хаки харажатлари | 9230,5 | 19,6 | 9915,1 | 20 | 11664,8 | 21,5 |
| 3 | Ижтимоий ажратмалар | 3061,1 | 6,5 | 3073,7 | 6,2 | 3201,0 | 5,9 |
| 4 | Асосий воситалар ва номоддий активларни эскириши | 2307,6 | 4,9 | 2577,9 | 5,2 | 2712,7 | 5 |
| 5 | Бошка харажатлар | 2919,9 | 6,2 | 3519,9 | 7,1 | 3201,0 | 5,9 |
| | Жами | 47094,4 | 100 | 49575,6 | 100 | 54254,7 | 100 |

Манба: Олтинкул туманидаги Порлоқ водий алиплари фермер хўжалиги маълумотлари асосида тузилди.

Ёқилғи ва мойлаш ва материаллари махсулот ишлаб чиқришга нисбатан бир хилга ўзгармаган.

Фермер хўжалиги аъзолари иш хаки тулаш учун 21.5 фоиз атрофида ажратилган. Иш хаки 2012 йилда 9230,5 минг сўмдан 2014 йилда 11664,8 минг сўмга етган.



Аввалги бўлимда таъкидланганидек, хўжаликнинг асосий воситалари мавжуд бўлиб, тегишли миқдорда (2712,7 минг сўм) амортизация тўловлари ўтказиб борилган.

Жами ишлаб чиқариш ҳаражатлари 2012 йилдаги 47094,4 минг сўмдан 2014 йилда 54254,7 минг сўмгача ўзгарган.

**Порлоқ водий алиплари фермер хўжалигида пахта етиштириш Олтинкул туманининг 2014 йилдаги ўртача кўрсаткичлари билан таққослама таҳлили 11-жадвал**

| № | Кўрсаткичлар | Ўлчов бирлиги | Олтинкул туманидаги жами 159 та фермер хўжаликлари | Порлоқ водий алиплари фермер хўжалиги 2014й. | Туманга нисбатан % |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Экин майдони | га | 5886 | 32 | Х |
| 2 | Хосилдорлик | ц/га | 36,9 | 36,7 | 99,5 |
| 3 | Ялпи хосил | ц | 217193,4 | 1174,4 | 0,5 |
| 4 | Ишлаб чикариш харажатлари | м,с | 16856206 | 88777,9 | Х |
| | Шундан иш хаки | м,с | 4394000 | 23654 | Х |
| 5 | Ходимлар сони | нафар | - | 20 | Х |
| 6 | 1ц пахтани таннархи | сўм | 77609,2 | 75594,3 | 97,4 |
| 7 | 1ц пахтани сотиш бахоси | сўм | 84662,1 | 86362,1 | 102,0 |
| 8 | Ялпи махсулот | м,с | 18388049,4 | 101423,7 | Х |
| 9 | Фойда | м,с | 1531843,3 | 12645,7 | Х |
| 10 | 1 га хисобига:<br>а) ялпи махсулот | м,с | 18382163,4 | 101391,7 | 0,6 |
| 11 | 1 ходим хисобига ялпи махсулот | м,с | | 5071,2 | |
| 12 | Рентабеллик | % | 9,1 | 14,2 | +5.1 |

Манба: Олтинкул туманидаги Порлоқ водий алиплари фермер хўжалиги,туман статистика бошқармаси маълумотлари асосида тузилди.



11-жадвалда Олтинкўл тумандаги « Пароқ водий алиплари »фермер ҳўжалиги Олтинкўл тумани билан пахта етиштиришнинг солиштирма иқтисодий кўрсаткилари акс эттирилган. Жадваллардаги маълумотлардан кўриниб турибдики фермер ҳўжалигининг иқтисодий самарадорлиги туманга

нисбатан анча юкори бўлиб айрим кўрсаткичларни тахлил қилганимизда иқтисодий самарадорликнинг асосий кўрсаткичи бўлган рентабелликнинг 9.1 фоиздан 14.2 фоизга яъни +5.1%га камайганлигини таблицада кўришимиз мумкин.Хулоса қилиб сўз юритадиган бўлсак «Пароқ водий алиплари» фермер хўжалигида пахта етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигининг паст рентабеллик билан ишлаб келаётган фермер хўжаликларига тавсия қилишимиз мумкин.

## 3-боб: Пароқ водий алиплари фермер ҳўжаликида мехнатни илмий ташкил этишни такомиллаштириш йўллари.

### 3.1. Олтикул туманидаги Пароқ водий алиплари фермер хўжалигида мехнат жараёнини тартибга солишни такомиллаштириш йўллари.

2014 йил соғлом бола йилида кўрилган амалий чоралар натижасида мамлакатимизда 1миллионга яқин янги иш ўринлари яратилди, уларнинг 500 мингга ортиғи қишлоқ жойларда ташкил этилди. Кичик бизнес соҳасида 390 мингдаг зиёд, шу жумладан, хизмат кўрсатиш соҳасида 270 мингдан ортиқ янги иш ўринлари очилди.

Пароқ водий алиплари фермер хўжалигида мехнат жараёнини тартибга солишни такомиллаштиришни олдини олишда дастлаб мехнат тақсимотини тартибга келтириш мақсадга мувофиқ хисобланади. Шундан келиб чиқиб мехнат тақсимотини мазмун мохиятини тушунимиз керак.

**Меҳнат тақсимоти ва кооперациясининг** ҳар қандай шаклларида ижрочиларнинг самарали, юқори унум билан ишлашининг зарур шарти иш ўринларини ташкил этиш ва уларга хизмат кўрсатишдир. Иш ўрни ҳар қандай ишлаб чиқариш ва меҳнат жараёнининг биринчи бўғини бўлиб, айнан иш ўрнида ишлаб чиқариш жараёни учта элементининг ҳаммаси: меҳнат ашёлари, меҳнат воситалари ва ишчи кучи, яъни ижрочи ходимнинг жонли меҳнати ягона бўлиб бирлашади, бу ҳамкорлик натижасида эса янги истеъмол қийматлари, меҳнат маҳсулотлари яратилади. Шунинг учун ҳам иш ўринларини ташкил этишга катта эътибор берилади

**Иш ўрни** — ишлаб чиқариш маконининг бир қисми бўлиб, унда барча асосий ва ёрдамчи технологик ускуналар, мосламалар, асбоблар, иш мебеллари ва махсус қурилмалар жойлашган бўлади ва улар муайян турдаги ишларни бажариш учун мўлжалланган бўлади. Иш ўрни ичида иш зонаси ажратилади, бу уч ўлчовли макон бўлиб, унинг доирасида ходимнинг барча асосий меҳнат ҳаракатлари амалга оширилади. Бу зона иш ўрнинит энг фаол қисми ҳисобланади ва уни ташкил этишга алоҳида талаблар қўйилади: инсоннинг

антропометрик ва биомеханик параметрларига мос келиши, физиологик жиҳатдан оқилона иш вазиятини, тана аъзолариниш меҳнат ашёларига, асбоб ёки машиналар ва механизмларни бошқариш органларигача бўлган масофа, шунингдек меҳнат ҳаракатларининг хавфсизлигини ва меҳнат шароитларининг зарарсизлигини кафолатлаш. Иш ўрни ва иш зонасини ташкил этишга қўйиладиган талабларни фаннинг махсус тармоғи — эргономика томонидан ишлаб чиқилади. Бу фаннинг вазифаси — инсонинг меҳнат жараёнларидаги функционал имкониятларини ўрганиш ва энг мақбул меҳнат шароитларини яратиш юзасидан тавсияномалар ишлаб чиқишдир. Бу шароитлар асбоб-ускуналар, меҳнат шароитлари ва технологияларнинг тузилиши инсон организмининг психо-физиологик хусусиятларига мос келишишини таъминлайди.

Бугун иш ўринлари бир қатор белгиларга кўра таснифлаштирилади. Улар механизация даражаси бўйича 5 гуруҳга бўлинади: қўл, машина-қўл ва механизациялаштирилган, автоматлаштирилган ва аппаратурали иш ўринлари.

Фермер хўжаликларида асосан қўл мехнатига таянади Лекин қўл иш ўринлари мехнат унумдорлигини ўсига салбий таъсир этади ва шу билан инсоннинг ишлаши учун табий иқлим шроитлар иссив ва совуқ,шамол ёмғир ва бошқалар хам ўз таъсирини кўрсатади. Қўл ишида иш ўринларидаги барча меҳнат жараёнлари қўл билан амалга оширилади, қўл асбоблари қўлланилади, меҳнат ашёларини ўзлаштиришнинг асосий энергия манбаи одамнинг жисмоний кучи ҳисобланади.

Машина-қўлда иш бажариладиган иш ўринларида меҳнат буюмларига механизмлар билан ишлов бериш (ўзгартириш) ва ташқи энергия (электр, иссиқлик, кинетик) ҳисобига, лекин бевосита ходимнинг иштироки билан ишлов бериш киради.

Механизациялаштирилган иш ўринлари қўл ва машина-қўдца иш бажариладиган иш ўринларидан шу билан фарқ қиладики, асосий технологик жараёилар тўла-тўкис машиналар ва механизмлар билан амалга оширилади, ходим зиммасида эса фақат машиналарни бошқариш қолади, яъни инсоннинг

қуввати бошқарувга сарф этилади, меҳнат буюмини ўзгартириш эса унинг зиммасига кирмайди. Механизациялаштирилган иш ўринларига ярим автоматларда ишлайдиган станокчилар, автотранспорт ҳайдовчилари, экскаватор ёки бульдозер машинистлари, қудуқлар қазийдиган пармаловчи усталар ва бошқа кўпгина касблар ва иш турларини бажарадиган ходимларнинг иш ўринлари киради. Бу ерда машина автомат тарзида эмас, балки инсоннинг доимий бошқарувида ишлайди.

Автоматлаштирилган иш ўринларида бутун технологик жараёни станок, машина ёки автомат тарзида ҳаракат қиладиган агрегат ёрдамида инсон иштирокисиз амалга оширилади, ходим зиммасида фақат автоматни ишга тушириш ва тўхтатиш унинг ишини назорат қилиш ва зарур бўлганда созлаш ва ярим созлаш ишлари қолади. Ходимнинт анчагина вақти бўшаб қолади, бу вақгдан кўп станокли хизмат кўрсатишда ва меҳнат унумдорлигини оширишда фойдаланиш мумкин бўлади.

Аппаратурали  иш ўринлари турли аппаратлар билан жиҳозланган бўлиб, улар ёрдамида иссиқлик, электр, кимёвий ва биологик энергия ҳисобига меҳнат буюмига таъсир кўрсатилади. Автоматлашган жараёнларда бўлгани каби ходим фақат аппаратуралар бажарадиган жараёнларни кузатади ва назорат қилади, зарурат туғилганда уларни тартибга солади.

Ихтисослашув белгиси бўйича барча иш ўринлари ихтисослашган ва универсал иш ўринларига бўлинади. Мазқур вазифаларни бажариш учун жиҳозланган ихтисослашган иш ўринларида бир хил ёки операциянинг мазмуни ва ишлар тури бўйича бир-бирига яқин вазифалар бажарилиши мумкин (қолипловчи, термист, бурғуловчи, ҳисоблаш машинаси оператори ва ҳоказоларнинг иш ўринлари). Универсал иш ўринларида хилма-хил ишлар бажарилади. Бундай иш ўринлари одатда асбоб-ускуналар кичик серияли ва бир хил ишлаб чиқариш шароитида бир иш тарзида тезда бошқасига ўтиб ишлаш имконини берадиган бир қатор станоклар ва механизмлар бўлади (масалан, таъмирлаш — техника устахоналари, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ва шу каби шароитларда).

Ниҳоят иш ўринлари барқарорлик белгисига қараб таснифланиши мумкин: улар битга иш ўрнида жойлашган ва жиҳозланган муҳим иш ўринларига (масалан, сганокчилар, йиғувчилар аппаратчиларнинг иш ўринлари) маконда доимо жойини алмаштириб турадиган кўчма иш ўринлари (қурувчилар, кон ишчилари, навбатчи ёки таъмирловчи ходимларнинг иш ўринлари).Хозирги кунда ММТПлар иштироқида қишлоқ хўжалик махсулотларида пахта ва ғалла махсулотларини йиғишда янги зомонавий камбайинларни ишлатилиши.

Лекин иш ўринлари қанчалик хилма-хил бўлмасин, улар қандай туркум ва гуруҳларга бўлинмасин, иш ўринларини ташкил этиш учун умумий, мажбурий талаблар ҳам мавжуд. Бу талабларни айнан учта ибора: таъминлаш, режалаштириш ва хизмат кўрсатиш деган ибора билан ифодалаш мумкин. Ташкил этишнинг бу элементлари жуда муҳим ва эътибор беришга моликдир.

Иш ўрнини таъминлаш деганда унда жамланган меҳнат воситалари асосий технологик ва ёрдамчи асбоб-ускуналар технологик ва ташкилий жиҳозлар билан алоқа ва сигнал бериш воситалари, меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникасини жами тушунилади. Асосий технологик ускуналарга: станоклар, иш маншналари, агрегатлар, автомат линиялар, технологик аппаратуралар ва шу кабилар, яъни ишлаб чиқариш жараёнига ёрдам берадиган барча нарсалар киритиладн

Ёрдамчи асбоб-ускуналар: транспортёрлар, рольганглар ва бошқа транспорт воситаларини йиғиш, пайвандлаш ва синаш стендлари, турли юк кўтариш қурилмалари ва ҳоказолар киради.

Асосий ва ёрдамчи технологик асбоб-ускуналарга ҳамда технологик ва ташкилий жиҳозлаш ашёларига қаттиқ эргономик талаблар қўйилади. Эргономика инсониятнинг меҳнат жараёнларидаги функционал имкониятларини ўрганади ва ишчанлик қобилиятини, юксак меҳнат унумдорлигини ва ишловчилар сонини саклашни таъминлайдиган қоидаларни ишлаб чиқади.

Эргономика „Инсон — машина — муҳит" тизимини ўрганадиган, инсоннинг танаси антропометрик мезонларини физиологик ва психо-

физиологик хусусиятларини, шунингдек ишлаб чиқаришга қўйиладиган санитария-гигиена талабларини белгилаб беради.

Иш ўрнини режалаштириш деганда ишлаб чиқаришнинг ўзаро бир-бири билан функционал жиҳатдан боғланган барча воситалари, меҳнат буюмлари ва ходимнинг ўзи уч ўлчовли маконда мақсадга мувофиқ жойлашуви тушунилади. Бунда меҳнат воситалари ва буюмларнинг жойлашуви иккига асосий талабга жавоб бериши лозим: бир томондан иш жойида ҳамма нарсанинг бир ерда тўпланиб қолишига, иккинчи томондан, ортиқча ҳаракатларга меҳнат буюмлари жиҳозлар ва тайёр маҳсулотлар орасида у ёқдан бу ёққа юришларга барҳам берилиши керак, Меҳнат воситалари ва буюмларини жойлаштириш қоидаларишшг бузилиши одатда иш вақтининг унумсиз сарф этилишига ва ходим куч-ғайратининг бекор кетишига эртароқ чарчаб қолиши ва меҳнат унумдорлигининг пасайишига олиб келади. Иш ўрнини оқилона режалашгиришни таъминлаш учун қуйидаги тамойилларга риоя қилиш зарур:

—иш макони энг кичик бўлиши, лекин иш ҳолатларида антропометрик кўрсаткичларни ҳисобга олган ҳолда барча меҳнат ҳаракатларининг эркин амалга оширилиши учун етарли бўлиши лозим;

—асбоб-ускуналарнинг жойлаштирилиши асосий иш зонасида амалга оширилиши, уларнинг бошқариш органлари бўлса ходимнинг қўли етадиган доирада бўлиши керак;

—ходим учун қулай иш ҳолатининг яратилиши у ортиқча ҳаракатлардан айланиш, бурилиш, эгилиш ва қўшимча чарчашни келтириб чиқарадиган ортиқча куч-ғайрат сарфлашдан ҳоли бўлиши лозим;

—барча ҳолларда иш ҳолати гавданинг, бош ва қўл-оёқларнинг қулай ҳаракат қилишини таъминлаши лозим;



Меҳнатни ташкил этишда уни нормалаш катта роль ўйнайди. Меҳнатни нормаларсиз, яъни (миқдори ва сифатини) бирор ҳажмдаги иш ёки операцияларни бажариш учун зарур бўлган меҳнатни белгиламай туриб, уни ташкил этиб бўлмайди.Хозирги кунда фермер хўжаликларида махсулот ишлаб чиқариш учун мехнатни илмий такил қилиш механизларидан асосийси мехнатни

нормалаш ва тартига келтириш хозирги куннни талабларидан келиб чиқиб қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ деб хисоблаймиз.Чунки айрим ишчи ва хизматчиларини иш меъёрлари нормалаштирилмаган ;Жумладан сувчи тўланадиган иш хақи ,гектарчини чопиқ учун тўланадиган иш хақлари хозирги кун талабларидан келиб чиқиб қайта кўриб чиқиш керак.

Меҳнатни нормалаш энг самарали меҳнат усули ва методларини танлашда, меҳнат тақсимоти ва кооперациясининг энг яхши шаклларини иш жойларини ташкил этиш ва уларга хизмат кўрсатишнинг рационал тизимини белгилашда қўлланилади. **Меҳнатни нормалаш** — бу ишлаб чиқаришни бошқариш соҳасидаги иқгисодий фаолиятнинг муҳим тури бўлиб, унинг ёрдамида зарур меҳнат харажатлари белгиланади, унинг натижалари аниқланади, турли тоифадаги ходимлар меҳнатининг кооперацияси амалга оширшиди, улар иш ўринларига қўйилади. Ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил зтиш эҳтиёжларидан келиб чикиб, меҳнат нормалари турли кўринишларда намоён бўлади.

Меҳнат нормаларининг барча турлари ичида асосийси — вақт нормаси бўлиб, у бир бирлик маҳсулот, операцияни бажаришга сарфланган бир ишчи ёки ишчиларнинг сарфлаган вақти билан ўлчанади. Вақт нормаси ($t_н$) киши-соат, ёки киши-минутда ўрнатилади. Унинг таркибига вақт харажатларининг асосий вақт ($t_{ас}$), ёрдамчи вақт ($t_{ёр}$), иш жойига хизмат кўрсатиш вақти ($t_{х.к.}$), тайёрлов ва якунлов вақти ($t_{т.я.}$), дам олиш ва шахсий эҳтиёжлар вақти ($t_{д.о.э.}$) ҳамда ишлаб чиқаришда тўғрилаб бўлмайдиган танафус вақтлари ($t_{и/ч.т}$)ни ўз ичига олади.

$t_н = t_{ас} + t_{ёр} + t_{х.к.} + t_{т.я.} + t_{до.э} + t_{и/ч.т}$

Маҳсулот ишлаб чиқариш нормаси $Т_н$ (иш даври давомийлигини вақт нормасига бўлиш билан аниқланади);

$Т_н = Ф_с + Ч_{рб} / t_н$ ;

Бу ерда: $Ф_с$ - ( соат, смена, декада, ой) ишлаб чиқариш нормасини қўллашни кўзда тутган иш вақтининг давомийлиги;

$Ч_{рб}$ – бир бирлик маҳсулотни ишлаб чиқаришда банд бўлган ишчилар сони.

$t_н$ – бир бирлик маҳсулотга сарфланадиган вақт нормаси ( киши-соат, киши-минут).

Фермер хўжаликларида банд бўлган ишчи ва хизматчиларини меҳнат нормаларининг қамраб олиш даражаси қўйидаги формалу билан аниқлаш мумкин:

$К_{он}= Ч_{рн}/ Ч_{ро}$

Бу ерда: $Ч_{рн}$ – корхона бўйича ишловчиларнинг меҳнати нормалар асосида қамраб олинганлиги.

$Ч_{ро}$ – ушбу тоифадаги ишловчиларнинг умумий миқдори.

Фермер хўжалигида илмий асосланган нормалар салмоғини аниқлаш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

$Д_{но}= Ч_{но}/ Ч_{ро}$

Бу ерда - $Ч_{но}$ илмий асосланган нормалар асосида ишловчилар сони;

$Ч_{ро}$- меҳнати нормалаштириладиган ишловчиларнинг умумий сони.

$Д_{но}= К_{но}/ К_{он}$

Бу ерда - $К_{но}$ илмий асосланган нормаларнинг умумий миқдори;

$К_{ро}$- нормаларнинг умумий сони.

Шу билан бир қаторда ишлаб чиқариш нормасининг бажарилиш ($У_в$) ҳолатини таҳлил қилиш ҳам корхона бўйича меҳнат унумдорлиги даражасини аниқлашга ёрдам беради.

$У_в =В_ф/ В_н$

Бу ерда – $В_ф$, $В_н$ вақт бирлиги ичида ишчилар томонидан ҳақиқатда ва ишлаб чиқариш нормаси бўйича ишлаб чиқарган маҳсулот миқдори.

Айниқса, вақт нормасининг бажарилиш ($У_т$) ҳолатини таҳлил қилиш вақт сарфини ёритишга ёрдам беради.

$У_т = (Т_н/ Т_ф) х 100\%$

Бу ерда – $Т_н$, $Т_ф$ маҳсулот ишлаб чиқаришга сарфланган вақт нормасининг ҳақиқатда сарфланган вақтга нисбатини фоиздаги ифодаси.

Бундан ташқари хизмат кўрсатиш нормаси (хизмат кўрсатиладиган ишчилар сони билан ифодаланади); хизмат кўрсатиш сони нормаси (бирон-бир станок, агрегат ёки поток линиясита хизмат кўрсатиш учун зарур бўлган

ишчилар сони билан ифодаланади); бошқарувчанлик нормаси (ишлаб чиқаришнинг муайян раҳбарига бўйсинувчи ходимлар сони билан ифодаланади).

Меҳнатни ташкил этишга доир вазифаларни ҳал этишда иш вақти сарфини ҳисобга олиб туриб ҳар хил ташкилий вариантларга баҳо берилади.

Меҳнатни ташкил этишнинг у ёки бу шаклидан фойдаланиш самарадорлиги айрим операция ва бутун иш вақти фондининг структурасини ўрганиш ёрдамида текширилади. Қилинаётган таҳлил ишчининг иш куни давомида нақадар иш билан банд бўлиши, ускуналар ишини пассив кузатиш улушининг катта-кичиклиги, ускуналарга хизмат кўрсатишда қандай методлар қўлланилиши ва ҳоказолар тўғрисида ҳукм юритишга имкон беради.

Операция элементлари бўйича ҳақиқий сарфларни нормативдаги, яъни ҳисоб-китобнинг илмий методлари билан асосланган харажатлар билан таққослаш операция тизимини мақбуллаштиришга, ишни бажариш вақтидан фойдаланишни яхшилашга имкон туғдиради. Бу ҳолларда нормалаш вақт резервини аниқлашгагана эмас, балки кўп станокда ишлаш ва кўп аппаратурага хизмат кўрсатишни ҳамда касб ва функциялар ўриндошлигини жорий қилишга, ёрдамчи усулларни қисқартириш, уларнинг бажариш функцияларини ускуналарга юклаш имкониятини текширишга имкон туғдиради.

Иш кунидан тўлиқ фойдаланиш, иш жойларини ташкил этиш ва уларга хизматни яхшилаш, ходимларни илғор меҳнат усуллари ва методларига ўргатиш иши меҳнатнинг тегишли касбий нормаларини белгилаш билан албатта қўшиб олиб борилиши шарт. Ва, аксинча, илмий жиҳатдан асосланган нормалар меҳнатни рационал ташкил этишни талаб эгади.

Меҳнат нормалари ходимларнинг иш билан банд бўлиш даражасини белгилайди, иш вақтидан самарали фойдаланиш даражасига, меҳнат интизоми ҳолатига таъсир кўрсатади, ишнинг рационал суръати ва ритмини белгилашга ёрдам беради. Меҳнат нормалари, персонал сонини, уларнинг меҳнатига тўланадиган иш ҳақи микдорини белгилашга асос бўлади.

Юқорида таъкидланганларнинг ҳаммаси меҳнатни ташкил этишнинг барча йўналишлари бўйича кўриладиган тадбирларни ишлаб чиқиш ва жорий қилишда

меҳнатни нормалашнинг етакчи роли борлигини кўрсатади. Бу ишни фақат нормаларни ишлаб чиқиш методларини яхшилашдан, уларнинг асослилик даражасини оширишдан, нормалаштириладиган иш соҳаларнинг кенгайтиришдангина иборат қилиб қўйиш нотўғри бўлади. Меҳнатни нормалашни такомиллаштириш саноат корхоналари ходимларининг меҳнатини ташкил этишни яхшилаш воситаси бўлмоғи лозим. Меҳнат нормалари меҳнатни ташкил этишнинг муҳим йўналишларидан бири бўлиб, уни такомиллаштиришнинг икки муҳим вазифасини белгилаб берди. Бу вазифанинг биринчиси нормалашни татбиқ қилиш соҳасини барча чоралар билан кенгайтириб, унга барча ишчи, инженер-техник ходимлар ва хизматчилар меҳнатига киритиш керак. Бу вазифанинг иккинчиси эса, нормалашнинг илмий ва амалий даражасини юксалтиришни кўзда тутадики, нормалар меҳнатни ташкил этишни кенг жорий қилиш ишига катта ёрдам кўрсатсин.

Бу вазифаларни ҳал этиш меҳнатни нормалашни ишлаб чиқиш методларини такомиллаштиришга, норматив ишларининг янада ривожлантирилишига боғлиқдир.

Меҳнатни нормалаш услубларини такомиллаштириш ва уни қўлланиш соҳасини кенгайтириш иши меҳнатни ташкил этишниннг муҳим қоидаларига асосланган ва уни кенг жорий этилишига ёрдам бериши лозим.

Меҳнатни нормалашни такомиллаштириш, унинг илмий-амалий даражасини юксалтириш ва уни татбиқ қилиш соҳасини кенгайтириш ғоят катта аҳамиягга эгадир, чунки ҳали айрим корхоналарда тажриба-статистик нормалар салмоғи катта бўлиб, бу нормалар чуқур таҳлил асосида ишлаб чиқилган эмас. Ҳолбуки ишловчилар сони ва тизимини тўғри белгилаш, уларни тўғри жой-жойига қўйиш, моддий ва маънавий рағбатлантиришнинг энг мувофиқ формаларини танлаш илмий жиҳатдан асосланган нормалашга боғлиқдир.

Меҳнат сарфининт ҳар жиҳатдан асосланган нормаларидан фойдаланиш корхонада иш кучларини тўғри жой-жойига қўйиш билан боғлиқ бир қанча масалани ҳал этишда катта аҳамият касб этади. Бундай масалалар жумласига, масалан, қуйидагалар киради:

1) Иш ҳажмини эътиборга олиб ходимларни индивидуал тартибда иш жойларига қўйиш ва иш участкаларини белгилаш. Бунда ҳар бир ишчи бутун иш кунида иш билан таъмин этилади;

2) касблар ўриндошлиги масаласи. Буни ҳал этиш учун дастлаб ўриндош қилинадиган ишлар меҳнат сарфининг асосли нормаларидан фойдаланиш, иш кунининг ҳар хил пайтларида ходимларнинг асосий иш билан банд бўлиш даражасини ўрганиш асосида белгилаб чиқиш талаб этилади

Юқорида таъкидланганлардан келиб чиқиб, меҳнатни нормалаш меҳнатни ташкил этишга жиддий таъсир кўрсатади, деган хулоса чиқариш мумкин.

# Х У Л О С А  ВА  Т А К Л И Ф Л  А Р.

Меҳнатни илмий асосида ташкил этишнинг зарурлиги объектив равишда мавжуд бўлган ва доимий равишда ривожланиб борувчи категориялар: меҳнат тақсимоти ва кооперацияси билан боғлиқдир. Меҳнат тақсимотининг чегаралари муҳим аҳамиятга эга бўлиб, уларнинг бузилиши одатда меҳнат унумдорлигининг, маҳсулот таннархи ва шу кабиларнинт ўзгаришига олиб келади.

Кейинги вақтларда меҳнатни илмий асосида ташкил этиш соҳасидаги тадбирларнинг аҳволи бирмунча ёмонлашди ва бир қадар орқага кетиш содир бўлди. Бу нарса меҳнат унумдорлигининг пасайишида, маҳсулот сифатининг, товарлар, хизматлар сифатининг ёмонлашувида, иш вақти бекор исроф бўлишининг ортишида ходимлар, касб тайёргарлигининг пасайиб кетишида ва шу кабиларда намоён бўлди. Шу сабабли ҳам меҳнатни илмий ташкил этиш соҳасидаги билимларнинг мунтазамлиги айниқса муҳимдир. Меҳнатни илмий асосида ташкил этиш билан уни нормалаш чамбарчас боғлиқдир. У меҳнат ва ишлаб чиқаришни бошқариш соҳасидаги фаолиятидан иборатдир.

Фермер хўжалигида вақт, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва бошқарувчанлик каби меҳнат нормаларини тўғри қўллаш ва уни такомиллаштириш меҳнатни илмий асосида ташкил этиш самарадорлигини оширишга олиб келади.

Олтинкўл туманидаги Пароқ водий алиплари фермер хўжалигида меҳнатни илмий асосида ташкил этишнинг иқтисодий смарадорлигини аниқлаш тўпланган маълумотларни тахлил этиш асосида қуйидаги фикр-мулохазаларга ва хулосаларга келдик.

1. Олтинкўл туманидаги  Пароқ водий алиплари фермер хўжалигининг табиий-иқлим шароити пахта етиштириш учун қулай ҳисобланади.

2. Олтинкўл туманидаги « Пароқ водий алиплари » фермер хўжалигида иш юритишнинг ташкилий-иқтисодий асосларини яхши ўзлаштирилганлиги,

охирги йилларда контрактация шартномаларини тўлиқ бажараётганлиги, хўжаликда суғорма сувларидан самарали фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини ошириш бўйича амалга оширилаётган ишлар, хўжаликни дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг меъёрдан ошмаганлиги ва уларнинг натижасида 23.7% лик рентабелликка эришаётганлиги ижобий натижаларни таъминламоқда.

2.Жумладан, « Пароқ водий алиплари » фермер хўжалигида пахта- ғалла етиштиришда 2012-2014 йилларда иқтисодий самарадорлик бир оз яхшиланган. Буни биз якуний иқтисодий самарадорлик кўрсаткичи бўлган рентабеллик даражасидан кўришимиз мумкин. Рентабеллик ошишининг омили – бу ялпи маҳсулотнинг ишлаб чиқариш ҳаражатларига нисбатан устун даражада ўсганлигидир. Рентабеллик даражаси таҳлил этилаётган даврда 19.0% дан 23.7%га ўзгарган. Аммо бу кўрсаткич ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида кенгайтиирлган такрор ишлаб чиқариш жараёнини таъминлай оладиган 30-35%лик даражадан анча пастдир. Юққоридаги натижалардан келиб чиқиб қуйидаги таклифларни бермоқчимиз.

1. Олтинкўл туманидаги Пароқ водий алиплари фермер хўжалигида ялпи маҳсулот ҳажмини ишлаб чиқариш ҳаражатларига нисбатан устун даражада ошириш учун дастлаб ишчи ва хизматчиларни махсулот ишлаб чиқариш учун белгиланган меъёрларни амалиётга қўллаш.

2. Хўжаликка мавжуд техника ва технолигиялардан самарали фойдаланиш учун етарлича малакали кадрларга эга бўлишни таъминлаш. Чунки хўжаликдаги янги зомонавий техника ва технолигиялардан фойдаланиш иқтисодий самарадорликни ошишига ижобий таъсир кўрсатади.

3-Фермер хўжаликларидаги иш вақтларини тартибга келтириш натижасида уларга тўланадига иш хақларини қайтадан кўриб чиқиш,жумладан ишчи ва хизматчиларга тўланадиган иш хақини маълум бир қисмини электрон пуллари орқали амалга оширишни йўлга қўйиш.

4.Фермер хўжалигидаги ишлаб чиқариувчилар иш усулларни илмий асосида такил қилиш ва уларни амалиётга боғлаш.

5-Хўжаликка махсус маълумотли кадрларни ҳам ишга жалб қилиш лозим.

Юқоридаги барча чора-тадбирларни ўзида жамлаган ҳолда Пароқ водий алиплари фермер хўжалигида мехнатни илмий асосида такил этиш натижасида иқтисодий самарадорликни яна 20-22% гача ошириш мумкин. Бунинг учун юқорида тавсия қилинган тадбирларни ўзида жамлаган фермер хўжалиги ривожлантириш дастури тузиш тавсия этилади.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР


1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т. Ўзбекистон 2003 йил.
2. Ўзбекистон Республикасининг Ер Кодекси. Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўгрисидаги қонун ҳужжатлари. 1-китоб. – Т.: 1999.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонуни. «Халқ сўзи». 2004 йил 27 август.
4. Ўзбекистон Республикасининг Давлат ер кадастри тўгрисдаги қонуни Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўгрисидаги қонун ҳужжатлари. 3-китоб. – Т.: 1999
5. Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуни. 1998 йил 29 август.
6. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. Т.: 1996.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 мартдаги ПФ-3226 сонли фармони «Қишлоқда ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида». Халқ сўзи. 2003 йил 25 март
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 октябрдаги «2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида»ги фармони. Халқ сўзи. 2003 йил 28 октябр.
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги 476-сонли «2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори. Халқ сўзи. 2003 йил 31 октябр.
10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 декабрдаги 607-сонли «2005-2007 йилларда фермер хўжаликларини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори. Халқ

сўзи. 2004 йил 24 декабр.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 октябрдаги ПФ-4041 сонли «Озиқ-овқат экинлари экиладиган майдонларни оптималлаштириш ва уларни етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. Халқ сўзи, 22.10.2008
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 6 октябрдаги ПФ-3077-сон «Фермер хўжаликлари фаолиятини юритишда ер участкалари миқдорини мақбуллаштириш чораларини кўриш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш бўйича махсус комиссия ташкил этиш тўғрисида»ги Фармойиши.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 октябрдаги "Фермер хўжаликлари тасарруфидаги ер участкалари майдонларини янада мақбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-3287 сонли Фармойиши.
14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарорида тасдиқланган «Маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш ҳаражатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом».
15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида шартномавий муносабатларни такомиллаштириш ва мажбуриятларнинг бажарилиши учун томонларнинг жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарори (2003 йил 4 сентябр 383-сон).
16. И.Каримов«Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли». Т.: Ўзбекистон 1993 й.
17. И.Каримов«Ўзбекистоннинг[66] сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари Т., Ўзбекистон. 1995 йил
18. И.Каримов«Ўзбекистон буюк келажак сари» Т., Ўзбекистон, 1998.
19. И.Каримов. Барқарор тараққиётга эриш устивор вазифа. Т Ўзбекистон 1998.

20. И.Каримов«Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» Т.: Ўзбекистон. 1995 йил
21. И.Каримов«Деҳқончилик тараққиёти – тўкин ҳаёт манбаи» Т.: Ўзбекистон. 1998 йил
22. И.Каримов«Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Узбекистон шароитида уни бартарф этишнинг йўллари ва чоралари». Т.: Ўзбекистон. 2009 йил
23. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг 2008 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг мухим устивор йўналишларига бағишланган Вазирлар Махкамаси мажлисидаги маърузаси «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби» Халқ сўзи 14.02.2009 йил.
24. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг 2009 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2010 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг мухим устивор йўналишларига бағишланган Вазирлар Махкамаси мажлисидаги маърузаси «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» Халқ сўзи 29.01.2010.
25. Ўзбекистон республикаси президенти И.Каримовнинг 2010 йилда мамлакатни ижтимоий- иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011йилда иқтисодийислохатларни чуқурлаштиришнинг энг мухим устивор йўналишларига боғишланган Вазирлар Махкамаси мажлисидаги ма\рузаси «Барча режа ва дастуримиз ватанимиз тақиётини юксалтириш халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади » Халқ сўзи .21.01.2011.
26. Президент Ислом Каримовнинг 19 январда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларига ва 2012 йилда иқтисодиётни

барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган маърузаси.19.01.2012й.
27. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси 18.01.2014 00:28
28. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2015-йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир маърузаси
29. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Қабул Қилинганининг 22-Йиллигига Бағишланган Тантанали Маросимдаги Маърузаси 05.12.2014
30. Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришга доир қонун ва меъёрий хужжатлар тўплами. (1-2 қисм). Тошкент 1998 йил.
31. О.Зокиров, А.Пардаев. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти (дарслик). Т.: 2005
32. О.Зокиров, А.Абдуллаев, Ш.Зокиров. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. (ўқув қўлланма). Олтинкўл, 2002.
33. А.Абдуғаниев. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти (дарслик). Тошкент, 2004.
34. Ш.Зиёвутдинов. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти (ўқув қўлланма). Тошкент, 2004.

35. Жўраев Ф. Қишлоқ хўжалиги корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш. (дарслик) . Т.: 2004.
36. А.Исмоилов, О.Муртазаева. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти (дарслик). Т.: 2002.
37. С.С.Ғуломов. Менежмент. – Т.: «Мехнат», 1997.

38. М.Шарифхўжаев, Ё.Абдуллаев. Менежмент. – Т.: «Молия», 2003.
39. А.Жабриев, Н.Зугуров. Менежмент. – Самарқанд: 2001
40. Б.Салимов, К.Ҳамдамов. Дехқон ва фермер хўжаликлари иқтисодиёти (ўқув қўлланма) Тошкент 2004 йил. й.
41. Бакетт.М. Фермер хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш (дарслик) Тошкент «Мехнат» 1998 йил.
42. О.Олимжонов ва б. Фермерлик фаолиятининг ҳуқуқий ва молиявий асослари. Т. «Университет», 2005.
43. O’.P.Umrzaqov va b. Fermer xo’jaligi iqtisodiyoti. – T.:”Iqtisod-moliya” 2007.
44. O’.P.Umrzaqov, A.J.Toshboyev, J.Rashidov, A.A.Toshboyev. Qishloq xo’jaligi iqtisodiyoti va menejmenti. – T.: “Iqtisod-moliya”, 2009.
45. M.Mirzaabdullaeva. Fermer xo’jaligi faoliyatini huquqiy tartibga solish. – T.: Yangi asr avlodi, 2010.
46. Ш.Шодмонов. Иқтисодиёт назарияси. – Т.2010.
47. Қ.Х.Абдурахмонов.Мехнат иқтисодиёти ва социалогияси -Т.2012
48. Қ.Х.Абдурахмонов.Мехнат иқтисодиёти.Исон тарққиёти -Т.2013
49. А.Абдуллаев ва б. Бизнес режа. – Т.: «Молия» 2002.
50. Б.Салимов ва б. Деҳқон ва фермер хўжаликлари иқтисодиёти. – Т.:ТДИУ, 2004
51. Р.Хакимов ва б. Агросаноат мажмуи иқтисодиёти. – Т.:ТДИУ, 2004
52. Б.Салимов ва б. Қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси иқтисодиёти. – Т.:ТДИУ, 2004.
53. О.Яқубжонов. С.Турсунов. Ўсимликшунослик. -Т.2008
54. А.Хамидов. Қишлоқ хўжалиги машиналари. -Т. 1996
55. Олтинкўл туманидаги Парқ водий алиплари фермер хўжалигининг 2010-2012 йиллардаги бизнес режалари, йиллик ҳисоботлари ва бошқа маълумотлар.
56. www.ziyonet.uz – Ўзбекистон ОЎМТВ қошидаги электрон кутубхона.
57. www.agro.uz -Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги веб-сайти

58.www.stat.uz – Ўзбекистон Республикаси статистика давлат қўмитаси.